

ARES

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES

UIF: 6.1

SJIF: 5.7

SIS: 1.12

Cite Factor: 0.89

2022/05

VOLUME 3

ISSUE 5



RESEARCHBIB

ACADEMIC RESOURCE INDEX



CYBERLENINKA



Research

We increase scientific potential together!

ROAD



Scientific Indexing Services

GENERAL IMPACT FACTOR

ARES.UZ



ADVANCED SCIENCE INDEX

- Exact Sciences
- Natural Sciences
- Technical Sciences
- Pedagogical Sciences
- Medical Sciences
- Social and Humanitarian Sciences



Universal Impact Factor



TOGETHER WE REACH THE GOAL



МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИНТЕРАКТИВ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Феруза Асроровна Хамроева

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Ўзбекистон-
Финландия педагогика институти доценти, педагогика фанлари фалсафа доктори
(PhD).

Мавжуда Акмал қизи Давронова

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Ўзбекистон-
Финландия педагогика институти магистранти.

Жўрабек Абдуазизович Намозов

Тошкент вилоят чирчиқ давлат педагогика институти доценти, география фанлари
фалсафа доктори (PhD)

АННОТАЦИЯ

Мақолада мустақил таълимни ташкил этиш, таълим олувчининг фаоллигини кучайтириб, унинг ижодий қирраларини очишга ёрдам берадиган таълим воситалари ҳамда талабаларнинг тафаккурини ривожлантирувчи замонавий технологиялар тўғрисида маълумотлар берилган. Шунингдек, мустақил таълимнинг замонавий янги, тобора оммалашиб бораётган шаклларида бири-Blended learning (аралаш ўқитиш) таълими, аудиовизуал технологиялари, Web-quest, “Equal” интерактив таълим технологиялар ва улардан фойдаланиш аҳамияти кенг ёритилган.

Калит сўзлар: мустақил таълим, Blended learning, аралаш ўқитиш аудиовизуал, Web-quest, Equal, самарадорлик.

ABSTRACT

The article provides information on the organization of independent learning, educational tools that help to increase the activity of the learner and reveal his creative side, as well as modern technologies that develop students' thinking. The importance of Blended learning, audiovisual technology, Web-quest, Equal interactive learning technologies and their use is also widely covered.

Keywords: independent learning, Blended learning, mixed learning audiovisual, Web-quest, Equal, efficiency.

КИРИШ

Замонавий таълим жараёнини тубдан ислоҳ қилиниши, талабанинг аудитория ва маъруза юкламаларини мустақил таълим ҳиссасини ошириш орқали камайтирилишини талаб қилади. Бу ҳолда таълим жараёнининг асосий маркази ўқитувчидан талабанинг мустақил фаолиятига ўтади.

Ўзбекистон Республикаси президентнинг 2019 йил 8 октябрдаги фармони билан тасдиқланган. «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»га кўра, мамлакатдаги ОТМларнинг 85 фоизи 2030 йилгача босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтиши режалаштирилган. Кредит-модуль тизими амалиётида аудитория ва мустақил ўқиш соатлари нисбати ўртача 40/60 фоизни ташкил этади. Бу нисбат, бошқача қилиб айтганда, 1/1.5га тўғри келади, яъни талаба муайян фан бўйича белгиланган ҳар бир соат дарс учун дарсдан ташқари бир ярим соат мустақил ўқиши, тайёрланиши керак бўлади. Демак, талаба фан бўйича дарсда ва дарсдан ташқари мустақил тарзда мунтазам равишда ўқиб, ўз билим даражасини ошириб бориши лозим. Фан ўқитувчилари талабанинг мустақил фаолияти самарали ташкил этишга эътибор қаратиши зарур.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бугунги кунда мустақил таълимнинг замонавий янги, тобора оммалашиб бораётган шаклларида бири- Blended learning (аралаш ўқитиш) таълимидир. Ушбу шаклдаги ўқитиш жараёнида талаба мустақил таълим олади, аммо айни вақтда унга гуруҳ ва ўқитувчи томонидан ёрдам кўрсатилади. Гуруҳли машғулотлар давомида “blended learning” (аралаш ўқитиш)нинг қўлланилиши туфайли ҳар бир талаба ўқув материалларини ўзлаштириш борасида ўзида рўй бераётган ижобий ўзгаришларни намоён этган ҳолда мулоқот кўникмаларини ўзлаштириб боради, ўтилган материалларни такрорлайди ва янги мавзунини ўрганишга тайёрланади.

Blended learning (аралаш ўқитиш) кўп ҳолатларда топшириқларга таянади ва асосий, муҳим маълумотлар негизида ташкил этилади, қўшимча материаллар эса тингловчига онлайн платформа орқали узатиб берилади. Талаба мустақил таълим олар экан, гуруҳнинг бошқа аъзолари билан онлайн режимда ташкил этилаётган муҳокамада иштирок этиш орқали ҳамкорлик қилади. Аудиторияда ва онлайн режимда ташкил этилаётган машғулотлар вақт миқдори бўйича ўзаро мос келиши турлича ўзгариб туриши

мумкин. Таълимнинг турли босқичларида масофавий ва мустақил таълим самарали равишда қориштириб юборилади.

Аралаш таълимда ўқитувчи раҳбарлигида ташкил этиладиган машғулотлар учун соатлар ҳажми камайтирилади деган фараз нотўғридир. Blended learning (аралаш ўқитиш)нинг муваффақияти таълим воситаларининг тўғри танланиши билан белгиланади. Бу таълим шаклининг афзаллиги шундаки, талабанинг ўзи ўқув материални ўзлаштириш тезлиги ва таълим жараёнининг интенсивлигини ўзи белгилайди.

Аралаш ўқитиш ўзида қуйидаги Европа таълими моделларини жамлайди:

1. Масофавий таълим (distance learning).
2. Аудитория таълими (face-to face learning).

Blended learning (аралаш ўқитиш) – онлайн ўқув материаллари ҳамда ўқитувчи раҳбарлигида гуруҳда таълим олишга асосланган ўқитиш шакли.

3. Интернет таълими (online learning).
4. Узлуксиз таълим (lifelong learning)

Бу шаклдаги таълим қуйидаги шахслар учун ниҳоятда аҳамиятлидир: иш вақти қатъий тартибга солинмаган соҳаларнинг ходимлари; ишлаб чиқариш ажралмаган ҳолда таълим олишлари лозим бўлган корхона, ташкилот ва фирмаларнинг ходимлари; “жонли мулоқотга асосланган таълим” муҳитида ўқишни хоҳловчи шахслар учун. Аралаш таълимнинг таркибий тузилмаси ҳам ўзгарувчан ҳисобланади. Айни вақтда хорижий мамлакатларда аралаш таълимнинг ўндан ортиқ шакллари мавжуд.

Ўқитиш амалиётида аралаш таълим ўз “ўлчам” (кўрсаткич)ларига эга. Улар қуйидагилардир:

- малакали кадрлар гуруҳининг шакллантирилганлиги;
 - маҳорат дарсларига асосланган таълим;
 - юқори даражадаги ютуқлари қафолатловчи муҳит;
 - талабаларнинг ўз шахсий таълимий ютуқлари учун жавобгарлиги
1. ОТМда blended learning (аралаш ўқитиш) қуйидагиларга асосланади[5]:
- Онлайн маъруза машғулотлари.
 - Онлан амалий машғулотлар.
 - Интернет тармоғида муҳокама қилинадиган лойиҳа ва гуруҳ ишлари.
 - Онлайн режимда ташкил этиладиган лаборатория машғулотлари.
 - Онлайн режимда мустақил топшириладиган тест.
 - Онлайн режимда ташкил этиладиган маслаҳат

Хориж давлатларида, жумладан Австралияда blended-learning усулида таълим олган талабларни кўпроқ ишга олишар экан. Чунки улар нафақат компьютер технологияларини яхши билишда балки, уларда мустақил шуғулланиш ва ҳамкорликда ишлаш кўникмалари кучли ривожланган бўлар экан. Мамлакатимизда ҳам аралаш таълим моделига ўтилиб замонавий талаблар асосида ўқув дастурларини, ўқув-методик адабиётлар мажмуаларини янгилаш, ўқув жараёнига электрон таълим технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аралаш таълимни ташкил этиш ва ундан фойдаланиш технологияларидан бири— аудиовизуал технологиялар ҳисобланади. Ўқув жараёнига кенг кириб келаётган ўқитишнинг аудиовизуал тизими (лотинчадан *audire* - эшитиш ва *visuails* - кўриш) кўргазмали ва эшитиладиган ахборотларни тақдим қилишга мўлжалланган махсус техник воситаларни ўз ичига олади. Аудиовизуал воситалар— аудио, видео, электрон ўқув қўлланмалар, ўқув видеоёзувлар, электрон ресурслар банкини яратиш ва улардан самарали фойдаланиш тамойилларидир[2].

Бугунги кунда таълим самарадорлигини оширишда турли усуллардан фойдаланилмоқда. Мақсадга эришиш ҳамда ахборотларни қабул қилишда аудиовизуал воситалари имкониятларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Аудиовизуал воситалар ва технологияларни машғулотларда асоссиз, ихтиёрый равишда қўллаш салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Шунинг учун кўргазмали воситалардан фойдаланишда бир қатор шартларга риоя қилиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- қўлланилаётган кўргазмали восита таълим олувчининг ёши, психофизик хусусиятларига мос келиши;
- кўргазмали восита меъёрда ишлатилиши ва уни кетма-кетликда ҳамда таълим жараёнининг фақатгина лозим бўлган жойида кўрсатиш;
- иллюстрацияларни кўрсатишда асосийлари ва муҳимларини аниқ ажратиб олиш;
- намоёиш қилинаётган кўргазмалар материаллар мазмуни билан мос тушиши;
- кўргазмали қўлланмадан ёки намоёиш этилаётган қурилмадан исталган ахборотни топиш ва таҳлил қилишга таълим олувчиларнинг ўзларини жалб этиш лозим. [1]

Олий таълимнинг давлат таълим стандартида белгиланган умумий талабларида ўқув жараёнини фаол ва интерфаол шаклларини ташкил этиш, талабаларнинг касбий

кўникмаларини ривожлантириш, мустақил таълим олиш билан биргаликда хорижий илм-фан таълим технологияларини кенг қўллашни назарда тутати. Замонавий педагогик ва ахборот технологияларига асосланган таълим тизими фақатгина педагог фаолигига асосланган анъанавий таълимдан фарқли равишда, таълим сифатини оширибгина қолмай, таълим олувчининг фаолигини кучайтириб, унинг ижодий қирраларининг очилишига катта ёрдам берадиган восита сифатида намоён бўлади. Шунинг учун география таълимида аудиовизуал воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Талабалар умумий табиий география фанини ўзлаштириш жараёнида фаннинг тадқиқот объекти, предмети, тадқиқот усуллари, Коинот, Қуёш системаси, Ер ва унинг Қуёш системасидаги туган ўрни, географик қобик ва унинг тузилиши, географик муҳит ва инсон муносабатларининг географик асосларига оид назарий қарашлар ҳақида тасаввурга эга бўлишлари лозим. Аудиовизуал воситалар эса педагог етказмоқчи бўлган тасаввурни таълим олувчидаги мавжуд маълумотлар билан уйғун ҳолда унда шакллантириш имконини беради. Аудиовизуал тақдим қилинган материал педагог томонидан сўзлар орқали берилган материалга нисбатан тўлиқроқ қабул қилинади. Бу ерда телетасвирларни қабул қилишнинг психологик ўзига хослиги муҳим аҳамият касб этади. Ихтиёрий жараён ва ҳодисаларни чуқур ўрганишда уларни компьютер ва аудиовизуал аппаратлар асосидаги қурилмалар ва технологиялар мажмуасидан иборат замонавий аудиовизуал воситалар ёрдамида моделлаштириш имкони юзага келди.

Талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантириш ҳамда мустақил тарзда у ёки бу ўқув топшириқларини бажариш имконини берувчи технологиялардан бири- Web-quest технологиясидир.

Web-quest технологияси педагогикада турли web- сайтларда жойлашган қисман ёки тўлиқ маълумотлар асосида талабалар ишлаши мумкин бўлган Интернетдаги таълим сайтларидир. Web-questлар алоҳида муаммоларни ёритиши, ўқув фани, ўқув мавзуси ва шунингдек фанлараро соҳаларни қамраб олиши мумкин [3]. Олий таълим муассаслари талабалари учун мўлжалланган география фанларига оид web-questлар мавжуд эмас. Web-questлардан фойдаланиш усуллари қуйидагилар: Тафаккурни ривожлантириш, ҳамкорлик, муаммоли таълим, лойиҳали таълим, мотивация ва аутентлик, замонавий технологиялардан фойдаланиш. Таълим web-questлар – ролли ўйин элементлари билан бойитилган, Интернет ахборот ресурсларидан фойдаланиб, бажариладиган

муаммоли топшириқлардан иборатдир. Web-questлардан фойдаланиш учун талабалардан маълум даражада тилни билиш талаб этилиб, Интернет манбаларидан , ҳаққоний ахборотлардан фойдаланиш талаб этилади. Web-questлардан фойдаланиш талабаларни мустақилликка, ҳар қандай ҳаётий муаммоларни ечишга, ижодий ишлашга, ахборот маконида тўғри ҳаракат қилишга, танқидий фикрлашга ўргатади.

Ҳозирги кунда фанлар бўйича questларнинг йиғилиши тарих, география, инглиз тили ва адабиёт, табиий фанлар йўналишларида амалга оширилмоқда. Web-quest технологиясининг муҳим жиҳати шундаки, талаба ўзига баҳо бера олиши, музоқоралар ўтказиш орқали касбий кўникмаларни шакллантириши, сайтларда ишлаш орқали хорижий тилларни мукамал ўрганиши, янги билимларни эгаллаши ва янги ахборот манбаларидан фойдаланиш имкониятларига эга бўлади. Web -quest гуруҳда ёки яққа ҳолда бажариш учун мўлжалланган. Талабалар web-questни бажаришда бта бўлимдан фойдаланади: кириш, топшириқ, жараён, ҳаракатларга раҳбарлик қилиш, баҳолаш ва якуний хулосалар.

Ушбу технология талабани ўрганаётган мавзусига қизиқишини орттиради ҳамда муаммони қўйиш ва уни ечиш учун талабани изланишга чорлайди.

Талабаларнинг мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантирадиган интерактив технологияларидан яна бири бу- “Equal” технологиясидир. Педагог география дарсларида талабаларнинг имкониятлари, қизиқишлари, билим, кўникма ва малакалари даражасини инобатга олган ҳолда мустақил тарзда бажарадиган географик амалий машғулотларни “Equal” технологиясидан фойдаланиб ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. “Equal” технологияси талабаларнинг назарий билимларини амалда татбиқ этишга, материалларни онгли ва пухта ўзлаштириш билан бир қаторда уларнинг карталар ва атласларда қўлланиладиган турли шартли белгиларни ўрганиш, шартли белгилар ҳақида кўпроқ маълумотларга эга бўлиш, уларни эслаб қолиш ҳамда ўзаро алоқасини тушуниш, англаш, бир-бирига боғлай олиш каби амалий аҳамиятга эга бўлган кўникма ва малакаларни шакллантиради [4].

Бу технологияни ҳар бир педагог индивидуал-ижодий ёндошган ҳолда исталган шартли белгилар билан ўзгартириши мумкин. Масалан фойдали қазилмалар, аҳоли пунктлари каби шартли белгилар билан алмаштира ҳам бўлади.

ХУЛОСА

Олий ўқув юртлари малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари – интерактив методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Бунда педагогик технология ва педагогик маҳоратга оид билим, тажриба ва интерактив методлар талабаларнинг билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

REFERENCES

1. Мухаммадиев А.Ш. Таълим тизимининг ахборот таъминотини шакллантиришда аудивизуал технологиялар // Замонавий таълим №1. 2015. –Б. 37-38
2. Новые аудиовизуальные технологии: Учебное посо-бие. / Отв. ред. К.Э.Разлогов. – М.: «Едиториал», 2005.
3. Сокол И.Н. Классификация квестов // Молодой вчений. –2014. – №6 (09). – С. 138-140. –[Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://molodyvcheny/inua/files/journal/2014/6/89.pdf>.
4. Хамроева Ф.А. Geografiya fanlarini o‘qitish va innovatsion yondashuv// Самарқанд давлат университети илмий тадқиқотлар ахборотномаси.Самарқанд, №2 (126) 2021. Б. 195-197.
5. Хамроева, Ф. А. (2019). ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ МЕДИАГРАМОТНОСТИ У СТУДЕНТОВ. *Актуальные проблемы современной науки*.
6. Ражабов, Ф. Т., & Абдимуротов, О. У. (2020). Табиий география курсларида амалий машғулотларни ташкил қилишда янги педагогик технологияларни қўллаш услубиёти. *Academic research in educational sciences*, (4), 663-671.
7. Abdimurotov, O. U. (2021). “YEVROSIYO MATERIGI” NI O‘QITISHDA “KEYS STADI” METODIDAN FOYDALANISH USULLARI. *Academic research in educational sciences*, 2(1), 377-382.
8. Abdimurotov, O. U. (2020). Tabiiy geografiya darslarini mustaqil o‘rganishda interfaol metodlardan foydalanishning imkoniyatlari. *Academic research in educational sciences*, (3), 1306-1312.